**Тошкент автомобиль-йўллар институти**
**“Автомобиль-йўл корхоналари иқтисодиёти ва бошқаруви” кафедраси**

# БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

## ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕНЕЖМЕНТИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ САМАРАЛИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (“ТРАНСЙЎЛҚУРИШ” УИЧБ)

**Бажарди: 332-08 Мен. гурух талабаси Мелибоев Б.**
**Раҳбар: доц. Ғ.Имомназаров**

**Тошкент, 2012 й.**

# Кириш

- **Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузасида “Барчамиз, аввало, вилоят ва ҳудудий тузилмалар раҳбарлари транспорт ва коммуникация, биринчи навбатда, йўл қурилиш соҳаси, шунингдек, ижтимоий ва ободонлаштириш ишлари кўп меҳнат талаб этадиган ва айни вақтда яхши ҳақ тўланадиган, аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган тармоқлар эканини доимо ёдимизда тутишимиз зарур. Шу нуктаи назардан қараганда, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга” деб таъкидланган.
- .

- Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг муҳим ва ҳал қилувчи соҳаларидан бири автойўл тармоғини ривожлантириш, айниқса автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб ва аҳамияти юқори бўлиб қолмоқда.
- Ушбу вазифалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳани ривожлантиришни бошқариш, ишлаб чиқариш менежменти тамойилларини самарали қўллаш ва унинг бошқарув механизмларини такомиллаштириш, автойўл ташкилотларининг техник паркини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш стратегик вазифа сифатида намоён бўлмоқда.
- Шу боис битирув малакавий иши мавзуси долзарб бўлиб, мамлакатимизда устувор вазифаларни ечиш имкониятини оширади.

- **Битирув малакавий иши объекти** “Трансйўлқуриш” УИЧБ ҳисобланади.
- **Битирув малакавий ишининг асосий мақсади** - йўл хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш менежменти тамойилларидан самарали фойдаланиш истиқболлари бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.
- **Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда, битрув малакавий иши олдига қуйидаги вазифалар қўйилган:**
  - -йўл хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш менежментининг моҳияти ва вазифаларини ўрганиш;
  - -бозор иқтисодиёти шароитида йўл хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари аниқлаш;
  - -“Трансйўлқуриш” УИЧБни иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш ва башорат қилиш.
  - -йўл хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш менежментини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

- **Битирув малакавий ишнинг предмети**. Илмий ишнинг предмети бўлиб, йўл-қурилиш хизматлари бошқарувини таҳлил қилиш асосида корхона ҳолатини аниқлаш ҳисобланади.
- **Илмий – тадқиқот услубиёти.** Илмий тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида олдинга сурилган ғоялар, Президентнинг фармонлари, қарорлари, хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотлари ва меъёрий ҳужжатлар хизмат қилади. Тадқиқот давомида замонавий менежмент, иқтисодий статистик тизим, таҳлил, таққослаш усулларидан фойдаланилди.
- **Битирув малакавий ишнинг илмий янгиликлари шундан иборатки,** йўл хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш менежменти тамойилларидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

## Автомобил йўлларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қурилишда тендерда ғолиб чиққан корхоналар ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида механизациялашган йўл-қурилиш ва таъмирлаш ишларини “Трансйўлқурилиш” давлат компанияси томонидан бажариш

## СХЕМАСИ

“Трансйўлқурилиш” давлат компанияси пудратчи ташкилотлар ва қурилишда тендерда ғолиб чиққан корхоналар билан тузилган шартномалар асосида махсус йўл қурилиш техника, ускуналардан ҳамда малакали мутахассислардан фойдаланган ҳолда механизациялашган йўл қурилиш ва таъмирлаш ишларини, автомобил йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини бажариш учун буюртма бериш

↓

“Трансйўлқурилиш” давлат компанияси ва пудратчи ташкилотлар билан механизациялашган ишларни бажаришда шартномалар тузиш

↓

Шартнома асосида “Трансйўлқурилиш” давлат компанияси пудратчи ташкилотларга бадал тўловларини тўлаш

↓

Шартнома асосида буюрмачи объектларда персоналларга хизмат кўрсатиш билан йўл-қурилиш мажмуасини “Трансйўлқурилиш” давлат компанияси таъминлаб бериш

↓

Тасдиқланган тармоқ графиги асосида ишларни бажариш

↓

Механизация ишларини бажариш далолатномаси асосида “Трансйўлқурилиш” давлат компанияси ва пудратчи ташкилотлар билан ҳар ойда ўзаро ҳисоб –китобларни амалга ошириш

↓

Тузилган шартнома асосида бошқа объектларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан кейин йўл-қурилиш мажмуасини олдиндан дислокациялаш

# “Регионал автомобил йўлларини ривожлантириш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирликлари | Жами | Ўзбекистон Республикаси | ОТБ заёми |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳани умумий қиймати, жами<br>бундан: | минг АҚШ доллари экв. | 180811 | 105511 | 75300 |
| 1.1 | Эркин конвертациялашган валютада (ЭКВ) | минг доллар | 82399 | 8773 | 73626 |
| | бундан: | | | | |
| | машина ва ускуналар | минг доллар | 55100 | | 55100 |
| | қурилиш-монтаж ишлари | минг доллар | 9201 | | 9201 |
| | инвестициялашган даврда молиявий харажатлар | минг доллар | 8773 | 8773 | |
| | консалтинг хизмати | минг доллар | 2648 | | 2648 |
| | кўзда тутилмаган харажатлар | минг доллар | 6677 | | 6677 |
| 1.2 | Миллий валютада | минг доллар(экв.) | 98412 | 96738 | 1674 |
| | қурилиш-монтаж ишлари | минг доллар(экв.) | 52402 | 52402 | |
| | консалтинг хизмати | минг доллар(экв.) | 1124 | | 1124 |
| | йўл техникаси паркини ташкил қилиш | минг доллар(экв.) | 4589 | 4589 | |
| | лойиҳани бошқариш | минг доллар(экв.) | 550 | | 550 |
| | солиқ ва тўловлар | минг доллар(экв.) | 21500 | 21500 | |
| | кўзда тутилмаган харажатлар | минг доллар(экв.) | 18247 | 18247 | |
| 2. | Ташкил қилинадиган асосий фондлар қиймати | минг доллар(экв.) | 116700 | | |
| 3. | Корхона қуввати, бундан йиллик хизмат ҳажми:<br>-автойўл қуриш | км/йил | 215 | | |

# “Регионал автомобил йўлларини ривожлантириш” лойиҳаси бўйича ОТБни заёмларини қайтариш ва тақсимлаш

| Компанетни номланиши/харажатларни йўналиши | Заёмни тақсимланиши | | Заёмни қайтариш манбаси |
|---|---|---|---|
| | минг АҚШ доллари | фоизда | |
| 1.Йўлни ривожланиш компаненти | 9201,0 | 12,2% | Республика йўл фонди маблағлари |
| 2.Йўлни чидамлилик компаненти | 53310,0 | 73,5% | “Трансйўлкурилиш” компанияси мабалағлари |
| 3.Лойиҳани бошқариш ва консалтинг хизмати | 4 112,0 | 5,5% | Республика йўл фонди маблағлари |
| 4.Кўзда тутилмаган харжатлар,<br>Бундан: | 6 677,0 | 8,8% | |
| 4.1. Йўлни ривожланиш компаненти бўйича, лойиҳани бошқариш ва консалтинг хизмати | 3 917 | | Республика йўл фонди маблағлари |
| Йўлни чидамлилик компаненти бўйича | 2 760 | | “Трансйўлкурилиш” компанияси мабалағлари |
| Жами: | 75 300,0 | 100% | |

## “Трансйўлқурилиш” давлат компаниясининг 2009-2011 йиллар учун бажарилган ишлар, хизматлар ҳажми

| № п / п | Иш (хизмат) ларни номланиши | 2009й. | 2010й. | 2011й. | 2011/2009 нисба-тан,%да | 2011/2010 нисба-тан %да | 2010/ 2009 нисба-тан %да |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Жами | 235308,0 | 22598638,9 | 42040525,9 | 178 марта | 186,0 | 96 марта |
| | бундан: | | | | | | |
| | автотранспорт хизмати | 0 | 3806930,8 | 10509979,6 | 0 | 2,8марта | 0 |
| | машина механизмлар хизмати | 235308,0 | 5697210,7 | 9204784,4 | 39 марта | 161,5 | 24 марта |
| | ишлаб чиқариш | 0 | 13094497,5 | 22325761,9 | 0 | 170,5 | 0 |

## “Трансйўлқурилиш” давлат компаниясининг молиявий натижаларининг ўзгариши таҳлили тўғрисида

## МАЪЛУМОТ

| № | Фаолият турлари | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2011 йил 2010 йилга нисбатан % | 2010 йил 2009 йилга нисб-тан % | 2011 йил 2009 йилга нисба-тан % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Маҳсулот(товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум | 8786533 | 13560492 | 27074650 | 199,7 | 154,3 | 3 марта |
| 2. | Сотилган маҳсулот(товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи | 4067431 | 4816547 | 22380760 | 4,6марта | 118,4 | 5,5 марта |
| 3. | Маҳсулот(товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси | 4719102 | 8743945 | 4693890 | 53,7 | 185,2 | 99,4 |
| 4. | Давр харажатлари | 1202543 | 8988163 | 4393043 | 48,8 | 7,5 марта | 3,6марта |
| 5. | Асосий фаолиятнинг фойдаси | 86559 | 243617 | 300847 | 123,5 | 281,4 | 347,5 |
| 6. | Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси | 86559 | 243617 | 11471 | 4,7 | 281,4 | 13,2 |
| 7. | Ҳисобот даврининг соф фойдаси | 86559 | 243617 | 9604 | 3,9 | 281,4 | 11,0 |